

ИНСОН КАПИТАЛИ ДИНАМИКАСИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШУВИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛИ



Мухриддин СОДИРЖОНОВ,

Наманган давлат университетининг
социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Аннотация: замонавий ижтимоий тадқиқотларда инсон капиталини социологик тадқиқ этиши ҳамда ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу мақолада ижтимоий ривожланиш жараёнларида биринчидан, инсон капитални тушунчасининг социологик генезисини аниқлаш, унинг ижтимоий ҳодиса сифатида инновацион ривожланиш жиҳатларини кузатишга эътибор қаратилди ва иккинчидан, инсон капитални муаммоси ижтимоий-маданий феномен сифатида тадқиқ этилди. Шунингдек, таълим орқали ижтимоий-иқтисодий фаровонликни ошириш, ёшларда ижтимоий меъёрлар, социал мобилликни фаоллаштириш, кўникма ва одатларни шакллантиришда ҳамда даромадлар ўсиб барқарорлигини таъминлашдаги хулосалар берилган.

Калит сўзлар: таълим, саломатлик, қобилият, инсон капитал, динамика, трансформация, инновация, фан, маданият, индустриал, постмодернизм, феномен, жамият, иқтисодиёт, олий таълим.

Социологический анализ динамики и трансформации человеческого капитала

Мухриддин Содиржанов,

Наманганский государственный университет,
доктор философии по социологии (PhD)

Аннотация: в современном общественном развитии актуальные значения приобретают социологические исследования и изучение человеческого капитала. В данной статье в процессах общественного развития, во-первых, определить социологический генезис понятия человеческого капитала, рассмотреть аспекты его инновационного развития как социального явления, во-вторых, проблема чело-

веческого капитала как социо- были исследованы как культурный феномен. Также даются выводы о повышении социальных и экономических возможностей посредством образования, активации социальных норм и социальной мобильности у молодежи, формировании навыков и привычек, обеспечении роста и стабильности доходов.

Ключевые слова: образование, здоровье, способности, человеческий капитал, динамика, трансформация, инновации, наука, культура, индустриализация, постмодернизм, феномен, общество, экономика, высшее образование.

Sociological analysis of human capital dynamics and transformation

Mukhriddin Sodirjanov,

Namangan State University,
doctor of Philosophy in Sociology (PhD)

Abstract: in modern social studies, sociological research and study of human capital is gaining urgent importance. In this article, in the processes of social development, firstly, to determine the sociological genesis of the concept of human capital, to observe the aspects of its innovative development as a social phenomenon, and secondly, the problem of human capital as a socio-cultural phenomenon was researched. Also, conclusions on increasing social and economic empowerment through education, activating social norms and social mobility in young people, forming skills and habits, and ensuring the growth and stability of incomes are given.

Keywords: education, health, ability, human capital, dynamics, transformation, innovation, science, culture, industrial, postmodernism, phenomenon, society, economy, higher education.



Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда барқарорлик, хомашё товарларига эмас, балки жамиятнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий ўсиб бориши аҳолининг “инсон капитали”ни ривожланишига боғлиқ. Социология фанлари тизимида инсон капиталини тадқиқ этиш ўзига хос ижтимоий ҳодиса ҳисобланади. Тараққий этган мамлакатларда аҳолининг турмуш сифати, инсон ресурсларини бошқариш, инсон омили ва инсон тараққиёти каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда. Янги Ўзбекистон стратегиясининг мақсади юртимизнинг бахтли ва баркамол инсонлар фаровон яшайдиган, ижтимоий адолат тамойиллари тўлиқ қарор топган, дунёнинг энг ривожланган, барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган демократик давлатлари қаторидан жой олишини таъминлашдир.

Ўзбекистон кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, инсон капитали ва демократик янгиланишлар, бизнес, инвестиция ва инновацияларни илгари суриш, “яшил” тараққиёт, экология, маданий алмашинув ва бошқа йўналишларда янада кенгайтиришни қўллаб-қувватлайди [2]. Фаровонлик эса ўз-ўзидан бунёд бўлмайди. Демак, миллий мафкурамизнинг асосий принципларидан бири – халқ фаровонлиги ғояси ўз-ўзидан мафкуравий мазмун, маъно ва аҳамият касб этади. Шундай экан, тадбиркорлик ва кичик бизнес учун халқ фаровонлиги ғояси мафкуравий омил бўлиши табиий.

Инсон капитали ўз таркибида бир қатор ижтимоий-биологик яхлитлик компонентларини қамраб олади ва уни социумга йўналтириб боради. Булар демографик, соғлиқни сақлаш, таълим, меҳнат, маданий, фуқаролик, маънавий-ахлоқий, ахборотларга эгаллик компоненти ва шу кабилардан иборат. Белгиланган таркибий қисмларнинг ҳар бири капитал сифатида ижтимоий зарур фаолият турлари ва функционал императивларга мос келади. Шу билан бирга, инсон капиталига хизмат қилувчи турли салоҳият турини ажратиб кўрсатиш мумкин [3].

Инсон капитали XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб мустақил ижтимоий-иқтисодий категория сифатида истеъмолга киритил-

ди. Қолаверса, Халқаро Нобель мукофоти соҳиблари – Т. Шульц [4] ва Г. Беккер [5], америкалик мутафаккир Д. Беллнинг бир қатор асарларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратила бошланди.

Миллий иқтисодиётда инсон капиталини ривожлантириш ва унинг иқтисодий фанлар тизимидаги аҳамияти бўйича иқтисодчи олимлар – Қ.Х. Абдурахмонов [6], Ж.Х. Атанязов [7], Т. Жалилов, Д. Раҳмонов [8] ҳамда Б. Усмоновлар [9] мазкур йўналишда кенг кўламли тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Социолог олимлардан инсон капитали масалаларининг миллий менталитет доирасида этносоциологик жиҳатлари М.Бекмуродов [10], ижтимоий-маданий омиллари – А.Умаров [11], социал капиталнинг аҳоли турмуш сифатини оширишдаги аҳамияти Х.Акрамов [14] томонидан тадқиқ этилган.

Иқтисодий ўсиш омиллари тизимида “Инсон капитали” категорияси Т.Шульц ва Г.Беккер тадқиқотларида жиддий ўрганилган. “Инсон капитали” омили фақат инсон (таълим ва касбий маҳоратлар бўйича)га сарфланган инвестициялар мажмуи сифатида тушунилиб, унинг натижасида социумнинг ишлаш қобилияти ошди. Йиллар ўтиб, ушбу тушунчага оид категориялар шахс ва умуман жамиятнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиладиган билим, кўникма ҳамда малакалар мажмуи сифатида кўриб чиқиш имконини берди [12].

Маълумки, XX асрнинг асосий ютуғи жисмоний меҳнат иштирокчилари (конвейерлар, саноатни автоматлаштириш ва б.) самарадорлигини ошириш билан аҳамият касб этган. Немис социологи П.Драккернинг таъкидлашича, XXI асрнинг доминант эгалари, албатта, “билимли” ва “илмли” кишилардир. Уларни мутахассис сифатида яхшироқ тайёрлаш ҳар қандай мамлакатнинг интеллектуал ютуғи ҳисобланади. Билимли мутахассис бўлиш ҳар қандай ишда интеллектуал меҳнатнинг юқори унумдорлигини таъминлайди. Мамлакатдаги интеллектуал салоҳият давлатга инвестициялар жалб этиш имкониятини оширади ва инсон капиталининг барқарор, узоқ муддатли ўсиши учун муҳим омил сифатида хизмат қилади [13].

Жаҳон Банки томонидан дунё 174 та давлатларининг 2020 йил учун инсон капитали индекси эълон қилинди. Малакатимиздаги соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига оид маълумотлар киритилган. Пандемия даври бошлангунга қадар болалар саломатлиги ва таълимининг асосий кўрсаткичлари олинди. Тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 62 фоиз натижа билан МДХ давлатлари ичида Беларусь Республикаси, Россия ва Қозоғистондан кейинги ўринда жойлашган.

Жаҳон банки Инсон капитали индекси доирасида боланинг ривожланиш траекторияси (туғилганидан вояга етгунича) қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича баҳоланади:

- тирик қолиш эҳтимоли (туғилганидан 5 ёшгача);
- бошланғич ва ўрта мактабда кутилаётган таълим сифатига қаратилган ўқиш давомийлиги;
- ривожланиши орқада қолаётган болалар фоизи;
- катта ёшдаги авлоднинг яшовчанлиги.

Бугунги кунда иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўлчовларни бирлаштирган композит индекслар: Яшил иқтисодиёт индекси, Барқарор жамият индекси, Экологик самарадорлик индекси, Қизил китоб индекси, шунингдек, инсон капиталини ўрганиш моделлари: Солоу модели, Менкью-Ромера-Вейла модели, Удзавы – Лукаса модели, Рамсея – Касса – Купманса модели, Минсертенгламаси ва Дж.Кендиркани инсон капитали миқдорини ҳисоблашнинг Харажатли методи [15] ўрганилди ва тадқиқот дастурини тузишда фойдаланилди.

Яшил иқтисодиёт индекси БМТ томонидан 105 та мамлакатда ўрганилган. Яшил иқтисодиёт индекси иқтисодий имкониятлар, ижтимоий ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ ютуқларни ўлчайди. Ушбу индекс инклюзив яшил иқтисодиётга ўтишда юзага келадиган муаммоларни ўзида акс эттирувчи 13 та кўрсаткични ўз ичига олади (энергия истеъмоли, ҳавонинг ифлосланиши, муҳофаза қилинадиган ҳудудлар, гендер тенгсизлиги, яшил савдо, қайта тикланадиган энергия манбалари, Палм коэффициенти, атроф-муҳит патентлари, умр кўриш да-

вомийлиги, ўртача таълим йиллари, нафақа таъминоти ва ундан фойдаланиш).

Барқарор жамият индекси. Барқарор жамият фонди ташкилоти (Sustainable Society Foundation) 154 та мамлакатда ўрганилган. Ижтимоий чидамлилиқ индекси мамлакатнинг ҳозирги чидамлилиқ индексини кўрсатади. У 21 та кўрсаткичга асосланиб, ўз навбатида, етти тоифага (асосий эҳтиёжлар, саломатлик, шахсий ва ижтимоий ривожланиш, табиий ресурслар, иқлим ва энергия, ўтиш даври ва иқтисод) гуруҳланган. Бу индекс уч ўлчовга (инсон, экологик ва иқтисодий фаровонлик) асосланади.

Экологик самарадорлик индекси. Елисий ва Колумбия университети томонидан 180 та мамлакатда ўрганилган. Ушбу индекс 32 та кўрсаткич бўйича ўлчайди.

Қизил китоб индекси. Халқаро табиати қўриқлаш уюшмаси 195 та мамлакатда ўрганилган. Қизил китоб индекси Халқаро табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш иттифоқининг йўқолиб кетиш хавфи остида турган турлар рўйхатига асосланади. Ушбу индекс глобал биохилма-хилликнинг ўзгарувчан ҳолатини ўлчайди.

Албатта, инсон капиталининг ривожини ҳам шахсининг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши, талаб-эҳтиёжларининг қондирилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиатига бевосита боғлиқдир. Жамият қандай бўлса, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон капитали ҳам унга мос бўлади. Инсон ақл-идрок соҳиби бўлганлиги учун реал дунёдаги воқеаларни билади, илму тафаккури, меҳнати, салоҳияти билан дунёни бошқаради.

Янги Ўзбекистон – маърифатпарвар давлат. Ушбу соҳада амалга оширган ишларимиз жамиятимизни янги босқичга кўтариш, юксак марраларни эгаллаш, Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга хизмат қилаётгани ҳозирнинг ўзида яққол намоён бўлмоқда. Маънавий етук, баркамол авлодни тарбиялаш, таълим-тарбияни ривожлантириш, миллий



юксалиш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш-пировард мақсади инсон манфаатларини таъминлаш бўлган ислохотларимизнинг энг муҳим вазифаларидандир [2]. Шу нуқтаи назардан инсон капиталининг юксалишига уни ўраб турган барча ижтимоий муҳитда рўй бераётган воқеалар таъсири кучли бўлади.

Инсон капиталига сармоя энг аввало, унга бериладиган таълим орқали амалга оширилиши айни ҳақиқат. Бугунги кунда мамлакатда ёш авлодни таълим олиш даражасини аниқлаш мақсадида берилган навбатдаги саволларга респондентларнинг 60,6 фоиз ўрта, 20 фоиз респондент юқори, 18,3 фоиз респондент эса паст даражада дея пессимистик характердаги жавоб қайтарди. Берилган жавоблар таҳлил қилинганда, парадокс ҳолатни кўриш мумкин, яъни таълим муассасалари инфратузилмасини ижобий баҳоланган бўлса, сифати ва механик тарзда ташкил этиладиган ўқув машғулоти танқидий фикрлар билан тўлдирилган. Демак, шундан кўришиб турибдики, мамлакатда таълим тизими фақатгина шакл ва кўринишга эмас, балки сифат ҳамда натижадорликка олиб борадиган туб бурилишларни кутмоқда.

Сўровномада иштирок этганлар орасида бугунги кунда таълимдаги турли моддий харажатларни юқорилигини таъкидлашган. Тайёрлов курслари (репетиторлар), шартнома тўловлари, семестр давомида моддий манфаат ва коррупцион ҳолатлар, масофавий таълим билан боғлиқ (интернет алоқаси, ва бошқ.) муаммоларни келтиришган. Бу ҳолат эса абитуриентларда стресс, умидсизлик ва ўқишга кириш кайфиятини тушишига, талабаларда эса ўқув жараёнига юзаки қараш, бор эътиборни пул топишга, иложсизлик ҳолатларига сабаб бўлаётганини учратиш мумкин. Қолаверса, ўқишга киришда таниш-билиш ёки пул ўйнаши ҳақидаги салбий стереотипларни санаб ўтишган. Бу фикрларни инкор ҳам этиб бўлмайди. Биргина ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали тез-тез таълимдаги коррупцион ҳолатлар ҳақидаги хабарларга кўзимиз тушмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йил 6 июлда “Коррупцияга қарши муросасиз муносабат-

да бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6257-сонли Фармони [1] доирасида таълим тизими соҳасида ҳам ушбу иллатнинг олдини олиш ва бартараф этиш ишлари олдинги йилларга қараганда сезиларли ишлар амалга оширилаётганини кузатишимиз мумкин.

Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Чунки ана шу сармоя жамиятга 15-17 баробар миқдорда фойда келтиради. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади [2]. Шу нуқтаи назардан таълимга йўналтирилган инвестициялар нафақат мамлакатни ривожлантиришнинг муҳим усули, инсон капитали ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларини яхшилашга қаратилган ижтимоий сиёсатдир. Бунинг натижасида инсон капиталини такомиллаштириб моддий фаровонлик ва соғлом турмуш тарзига эришилади. Шуни таъкидлаш керакки, инсон капитали ҳар бир инсоннинг индивидуал капитал шаклидир. Инсон қобилиятлари, билимлари, кўникмалари ва тажрибаси ҳар бир ёш фуқаронинг шахсий мулки ҳисобланади.

Кўпгина ривожланган давлатлар, хусусан, Япония, Малайзия, Сингапур ва Жанубий Корея каби мамлакатларнинг ривожланиш жараёнида таълим тизими ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Бугунги кундаги ривожланиш жараёнлари бизнинг ҳам олдимизга ушбу давлатлар сингари меҳнат бозорида талаб катта бўлган соҳалар бўйича кадрлар тайёрлаш масаласини кўндаланг қўймоқда. Ҳозирги даврда жаҳон бозорида шундай касб ва ҳунарлар вужудга келганки, уларнинг аксарияти университет ва коллежларда эмас, балки оддий ўқув марказларида уч ёки бир йилда эмас, жуда қисқа вақт ичида тайёрланмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Сингапурда ҳам таълимга иқтисодий тараққиётнинг биринчи галдаги вазифаси сифатида қаралган [16].

Ҳар қандай инсон капиталининг сифат даражаси мамлакат миқёсида ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Бунда биз (экспертлар фикри ҳам) доимий таъкидлаб келадиган “таълим фақатгина шахснинг келажакдаги муваффақияти эмас, балки жамият ва қолаверса миллатнинг жамоавийликга йўналтирилган келажакга сармоя сифатида таъсир кўрсатишини таъкидлашимиз янгича ёндашув бўлади. Инсон капитали маълум бир чегара қийматидан ошиб кетганда, жамоавийликка инновацион таъсир ортади. Олий маълумотли одамларнинг юқори фоизга эришиши, бизнинг назаримизда “қадрият ва удумларга асосланган жамоавийлик”ни “инновацион жамоавийлик”ка ёки яратувчи халқ (миллат)га айлантириш кафолатини беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида аҳолининг тахминан 17-20 фоизи олий маълумотли бўлиб, бу сезиларли тарзда инсон капитали сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Бироқ, ушбу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси учун ИХТТ (Иқтисодий Ҳамкорлик Тараққиёт Ташкилоти)га аъзо мамлакатларнинг ўртача даражасига мос келиши учун ҳали етарли эмас.

Мамлакатимизда кўп жабҳалардаги ислохотлар жадал олиб борилмаётганлиги респондентларнинг аҳолининг хорижий тиллар ва ахборот технологияларидан фойдаланиш даражасини баҳолаш учун берилган саволларга берган жавоблари орқали яна бир бор иқрор бўлишимиз мумкин. Унга кўра, умумий ҳолатда, хорижий тиллар ва ахборот технологияларини билиш даражаси паст деб 18,7 фоиз, ўрта даражада деб 59,7 фоиз, юқори даражада деб 14,9 фоиз деб баҳолаган бўлса, 6,7 фоиз респондентлар эса мазкур саволга жавоб беришга қийналишини таъкидлади.

Инсон капитали учун қилинадиган инвестициялар кўлами жамиятнинг тараққиёт даражаси, бугуни ва эртасини белгилаб берадиган асосий кўрсаткичлардан саналади. Инсон капиталини энг самарали ривожлантирувчи инвестициялар таркибида саломатлик ва таълим тизими учун киритиладиган инвестициялар муҳим аҳамиятга эга.

Фуқароларнинг умр кўриш давомийлиги узайишига қуйидаги омиллар сабаб бўлмоқда:

- ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ўзгаришларнинг турмуш сифати, инсон қадри ва манфаатларига йўналтирилганлиги;
- аҳоли ўртасида илм-фан, айниқса, олий талим ва замонавий касбларни ўзлаштиришга бўлган ижобий муносабатнинг шаклланиганлиги;
- аҳолини тиббий маданияти ва саломатлик даражасининг ортиб бориши [17].

Инсон капитали тушунчаси бугунги кунга келиб фақатгина иқтисодиёт ёки ишлаб чиқаришда эмас, балки мамлакатдаги ҳар бир фуқаронинг индивидуал хусусиятлари – саломатлик, таълим, қобилияти ва истеъдодлари, орттирган малака ҳамда тажрибалари, ижтимоий, психологик, дунёқараш ва одамларнинг ижтимоий-маданий хусусиятлари, унинг таркибий тузилиши нафақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам англашдан иборат. Саломатлик даражаси таълим билан бевосита боғланган инсон капиталининг ажралмас қисми деб баҳоланади.

Инсон капиталини узликсиз ривожлантиришга сарфланган вақт ва харажатлар иш таҳлили узоқ муддат талаб қилса-да, пировардида ижобий натижадорлиги юқори ҳисобланади. Шунингдек, инсон капитали ривожланиши шу капитал эгасининг ўзига кўрсатадиган эътиборлиги ва ғамхўрлиги муҳим аҳамият касб этади. Таълим, саломатлик ва бошқа омиллар билан биргаликда инсон капитали ривожланишида бўш вақтдан унумли фойдаланиш ҳамда маданий ҳордиқ олиш даражаси шахснинг ижтимоий турмуш тарзи ва сифатига таъсир кўрсатади.

Маданий ҳордиқ ҳам инсоннинг турмуш тарзида муҳим омил саналади. Йўқотилган руҳий, жисмоний ва маънавий капитал ҳамда салоҳиятни тиклашда дам олиш муҳим омиллардан биридир.

Тадқиқот давомида ёш респондентлар орасида кундалик маиший турмушга доир ишларда намоён бўлувчи прокрастинацион ҳолатлар кузатилди. Бунда айрим одамлардаги кундалик рўзғор юритиш билан боғлиқ юмушларни вақтида бажармасдан ортга



ташлаб юриш ҳолатининг турмуш тарзига айланиб қолиши назарда тутилади. Масалан, ижтимоий тармоқларда соатлаб вақт ўтказиш натижасида лоқайдлик, танбаллик каби салбий иллатларга одатланиш, уй юмушларига доир маиший масалаларни вақтида ҳал этилмасдан ўз ҳолига ташлаб қўйилади. “Ҳаммаси эртага бажарилади”, деган ёндашув одатий ҳолатга айланади. Шаҳар ёки вилоят марказларидаги ёшлар билан чекка ҳудудлар ва қишлоқларда истиқомат қилувчи ёш респондентлар орасида бўш вақт тақсироти ҳамда маданий ҳордиқ даражаси фарқ қилиши яққол намоён бўлмоқда. Шунингдек, ёши катта респондентлар томонидан дам олиш ёки маданий ҳордиқни ташкил этишдаги шахсий фикрларида асосан, “Нафақа даврига режалаштирганмиз” деган жавоблар билан чекланишди. Дам олиш ва бўш вақтни ташкил этишда чойхона ҳамда гузарлар асосий маскан сифатида, нафақа ёшига етганида эса диний зиёратларга боришни режалаштирганликларини таъкидладилар. Бу эса этномаданий ва этноижтимоий муҳит билан узвийлик томонлари мавжуд.

Юртимизда маҳаллага социал институт сифатида ёндашилади. Ушбу тадқиқот ишида биз инсон капиталини белгилаб беришда маҳалланинг ролини инкор этмаган ҳолда, унга “ижтимоий тизим” сифатида ёндашишни таклиф этмоқчимиз. “Хусусан, ташкилотларни ижтимоий тизим сифатида ўрганишга кенгроқ эътибор қаратила бошланди, чунки бунга ўзаро алоқадорликдаги ташқи муҳитнинг таъсири катта бўлмоқда”. Чунки ижтимоий тизим орқали бевосита маҳалланинг функциясини ёритиш осон ва тез кўчади. Шу билан бирга, маҳалла ўзи бажараётган функцияси орқали ўз аъзоларининг жамият ҳаётидаги ижтимоийлашувини таъминлайди ҳамда жамиятдаги меъёр ва тартибларга амал қилишга чорлайди. Маҳалладаги ижтимоий-маънавий муҳит социал муносабатлар доирасида ўз аъзоларининг ҳаракатини тартибга солиб, фаоллаштиради [18].

Ижтимоий муносабатларда бирдамлик – бу кўпгина маънавий омиллар мажмуасидан ташкил топган социологик категория бўлиб, у ижтимоий ҳаётда фаолият кўрсатаётган

инсонларнинг ижтимоий тараққиёт масалаларини ҳал қилишларидаги ҳамкорлигининг кўринишидир.

Ўрганилган мавзу доирасида халқаро ташкилотлар, жамоат фондлари, илмий тадқиқот институтлари ва бошқа нуфузли ташкилотлар томонидан тузилган индекслар доим ҳам жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий даражасини тўлиқ очиб бера олмаслиги ҳақидаги хулосага ҳам келинди. Инсон капиталининг ривожланиш даражаси индексини аниқлашдаги муаммо ва камчиликлар: экологик омиллар, жамият менталитети, инсонларнинг маънавий-маърифий ривожланиш жараёнлари инobatга олинмайди.

Инсон капиталини ривожлантириш ва шакллантириш инвестициялар орқали амалга оширилади. Ўтказилган тадқиқот натижалари ва ўрганилган илмий-назарий маълумотларга асосланиб кучли, заиф, имкониятлар ва таҳдидлар SWOT таҳлили қилинди.

Кучли томонлар – инсон капиталини ривожлантиришнинг устунлик томонларини аниқлаш ва устунлик жиҳатларини баҳолаш.

Заиф томонлар – инсон капиталини самарали ривожлантиришдаги тўсқинлик қилувчи омиллар.

Имкониятлар – инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган давлат стратегиялари, яратилган қулай шарт-шароит ва мавжуд ижтимоий-иқтисодий инфратузилмалардан фойдаланиш.

Таҳдидлар – инсон капиталини шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир этувчи омиллар.

SWOT таҳлили асосида инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларни ижобий ва салбий томонлари ўртасидаги мутаносибликлар ҳамда ижтимоий хусусиятларини аниқлаб олиш имконини беради.

Демак, юқорида таъкидланган ва баён қилинган фикрлардан шундай хулоса келиб чиқади. Инсон капитали социумда унинг ўзи томонидан яратилган, ишлаб чиқилган ва орттирилган мавжуд салоҳият, қобилият, эҳтиёжлар асосида кишилик жамиятининг умумбашарий эҳтиёжларини намоён этади. Капитал асосига хизмат этувчи омил сифатида талқин этилаётган барча белгилар

Инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларнинг SWOT таҳлили¹

КУЧЛИ ТОМОНЛАР ("S" – STRENGTH)	ЗАИФ ТОМОНЛАР ("W" – WEAKNESS)
<ul style="list-style-type: none"> • Инсон капитали билим, тажрибалар, стратегик режалар, одамларнинг интеллектуал-маънавий даражаси, шунингдек, муайян мақсадлари, қизиқиш ва лаёқати сифатида ҳам миллий захира ҳисобланади • Юқори даромад ва ижтимоий фаровонлик. • Замонавий жамиятда барқарорликни муҳим омили. • Инсон капитали орқали Янги Ўзбекистонда ижобий ижтимоий-иқтисодий ўсиш динамикасини таъминлайди. • Инсон капиталини рағбатлантириш учун ҳуқуқий асос ва инфратузилмаларнинг мавжудлиги. • Спорт, санъат, маданият ва илмий тадқиқотларнинг халқаро майдонда тан олинганлиги. • Инсон капиталини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион стратегиялар ва инфратузилмаларга доимий ва кўпайган сармоялар. 	<ul style="list-style-type: none"> • Миллий инсон капиталини ривожлантириш сиёсатини зарурлиги. • Шахснинг ўзи ва давлат учун ҳам узок муддатли харажат талаб қилади. • Оилаларда фарзандлар таълимига сармоя киритишда иқтисодий имкониятлар чекланган ёки етарли даражада эмас. • Жамиятдаги мавжуд ижтимоий институтлар, ижтимоий фондлар ва турли ташкилотлар инсон капиталига сармоя ажратиш фаолиятини қамровидаги камчиликлар (Турли қимматбаҳо буюмлар ва ҳашамларга қаратилган). • Ижтимоий соҳаларини модернизация қилиш зарурлиги, меҳнат ва ишчининг кафолатланган иш ўрни (касаба уюшмалари), кадрлар қўнимсизлиги ҳамда бандлик институтидаги камчиликлар. • Ёшлар ўртасида баъзи ҳолатларда таълимнинг қиммати тушиб бориши. • Минтақавий ривожланиш муаммоларни ҳал қилиш зарурлиги. • Янги авлодлар учун фаннинг жозибadorлигини пастлиги ва илм-фанни оммалаштириш зарурлиги. Мамлакатда олий маълумотли ва илмий даражали аҳоли сонининг камлиги.
ИМКОНИАТЛАР ("O" – OPPORTUNITIES)	ТАҲДИДЛАР ("T" – THREATS)
<ul style="list-style-type: none"> • Тинчлик, қулай ва ўзига хос табиат, бой табиий ресурслар, сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизлик. • Инсон капиталига қанча эрта инвестиция ажратилса, у шунчалик тез қайтишини инобатга олинса, замонавий касблар ва соҳаларни ривожлантириш имконияти. • Инсон капиталига сармоя миллий ва маданий хусусият ҳамда анъаналар билан шартланганлиги. • Глобал инклюзив ривожланиш тажрибасини методологик ва амалий ўрганиб тадбиқ этиш. • Камбағаллик ва қашшоқликни камайтириш имконияти. • Бой қадимий моддий ва маънавий мерос, ёш ва ўсиб бораётган аҳоли. • ОТМларга қабул квоталарининг ортиб бориши. Хусусий таълим муассасалар сонининг кўпайиши. • "Таълим умр давомида" концепциясини ривожлантириш имкониятининг юқорилиги. • Хорижий инвестицияларни жалб қилиш салоҳияти ва яратилган шарт-шароит. 	<ul style="list-style-type: none"> • Аҳолининг табиий ўсишида камайиши. • Турли юқумли касалликлар (Covid – 2019), техноген омилар ва инсонларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири, табиий офатлар ҳамда бошқа хатарлар. • Ижтимоий соҳалардаги коррупция ва непотизмнинг инсон капитали шаклланишига салбий тўсиқлар таҳдиди. • Инсонлар ўртасида шахсий даромадлар тафовути кескин ортиши ёки маълум шахсларда тўпланиши оқибатида хусусий капитал ортиб, барча ҳолатларда ҳам ижобий ислохотларга сарфланмаслиги, иқтисодий беқарорликни келтириб чиқариши. • Инсон капитали ва ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилишда инновацион босим ҳамда транзакциялар ҳажми ҳисобга олинмаганлиги. • Ижтимоий тенгсизлик ва инсоний муносабатлардаги оғишлар. • Глобал ифлосланиш ва юқумли касалликлар тарқалиши каби салбий вазиятларни юзага келиши. • Мамлакатни ақлли одамлар ташлаб кетиш хавфи.

¹ Мазкур жадвал ўтказилган энпирик тадқиқотлар натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ижтимоий келиб чиқишга эга ва улар фаол равишда яратилади, қўлланилади, ривожлантирилади, бойитилади, фойдаланилади. Вақти келиб уларда эскириш аломатлари кузатилганда, ёки яроқсиз, кераксиз деб топил-

ганда бостирилади ёки умуман воз кечилди. Инсон капиталининг вужудга келиш концепциясининг социологик назарий услубий жиҳатлари бизнинг талқинимизда шундай мазмунда ўз ифодасини топади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. <https://lex.uz/docs/5495529>
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O'zbekiston, 2021. – 464 б.
3. Содиржонов М. Инсон капитали ривожини шахсининг онги, билими, ахлоқ-одоби, дунёқарашига боғлиқ. "Янги Ўзбекистон" газетаси 10 (2022).
4. Schulz T. Capital Formation bi Edukathion // Journal of Politikal Economu. – 1960. № 1. – P. 25. Ўша муаллиф: Investment in Human Capital // American Economic Reviен. – 1961. № 1.
5. Беккер Г.С. Человеческое поведение: Экономический подход: избранные труды по экономической теории. – М.: ГУ ВШЭ, 2003. – С. 672.
6. Абдурахмонов К.Х. Человеческое развитие. Учебник. – Т.: ФГБОУ ВО РЭУ им. Г. В. Плеханова, 2014. – С. 320.
7. Атанязов Ж.Х., Жалилов Т. Роль человеческого капитала в инновационном развитии экономики // Халқаро молия ва ҳисоб. – 2019. № 2.
8. Раҳмонов Д. Ўзбекистонда ижтимоий соҳани молиялаштиришнинг методологик асослари ни такомиллаштириш: Иқтисодий фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ, 2018. – 72 б.
9. Усмонов Б.Ш. ва бошқ. Инсон капиталининг шаклланишида таълим ва илм-фаннинг роли (илмий-оммабоп рисола). – Самарқанд: СамДУ, 2015. – 83 б.
10. Бекмуродов М. Инсон капитали – тараққиёт омили. – Тошкент: Маънавият, 2015. Бекмуродов М. Инсон капиталини ривожлантириш жараёнларини ўрганишнинг илмий натижавийлиги, илмий тадқиқот фаолиятини самарали ташкил этиш ва натижавийлигини оширишнинг долзарб масалалари / Республика илмий анжумани материаллари. – Т.: ТошДТУ, 2014. – 142-145 б.
11. Умаров А.О. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц. фан. док. дисс.– Т.: 2005. – 243 б.
12. Каменских Е. А. Концептуализация формирования человеческого капитала в социально-экономической системе региона // Научные сообщения. Экономика и управление. – 2010. № 5. – С. 102-110.
13. Питер Ф. Друкер. Эффективный управляющий. – М.: ВСИ, 1994. – С. 268.
14. Акрамов Х. Социал капитал аҳоли турмуш сифатини оширишнинг омили сифтида. Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: 2021;
15. Поиск публикаций в Scopus по дескрипторам "human capital" и "название модели" в названии [15] публикации, ключевых слова и аннотации (по состоянию на 28.06.2020).
16. Содиржонов М. М. Инновацион тараққиёт йўлида инсон капиталини ривожланиш жараёнларини оптималлаштириш имкониятлари // Жамият ва бошқарув. – Т.: 2020. №2 (88). – 57 б.
17. Содиржонов М. М. Инсон капитали ривожланиш жараёнларининг этносоциологик хусусиятлари (Фарғона водийси мисолида). Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – 2022.
18. Калонов К. К. Роль авторитета в анализе динамики системы самоуправления в Узбекистане. [18] (на примере махаллей г. Ташкента и Ташкентской области). – 2000.